O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 23 март, № 56 (3855) • Пайшанба

Нияти пок, келажаги буюк халқмиз



Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида умумхалқ байрами — Наврўзга бағишланган мусиқий тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Республика Байналмилал маданият марказ томонидан ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

БАҒРИКЕНГЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилиш ва саъй- ҳаракатлари негизида юртимизни янада обод этиш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсад-муддаолар мужассам.

Ҳозир мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳилликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит муҳайё.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат айёми — Наврўзга юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари ўз мусиқий байрам дастурларини тайёрлагани эътиборга лойиқдир. Тадбирда бетакрор, ранг-баранг ва жозибадор ана шундай дастурлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Йиғилишларда дастлаб бугунги кунда минтақада шаклланаётган сиёсий вазият хусусида сўз борди. Чунончи, Ўзбекистондаги ҳолатдан бехабар бўлган чет эл афкор оммасида мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар тўғрисида нотўғри фикрни шакллантириш, ҳатто инсон ҳуқуқлари ҳимоясию демократия тарқатувчилик ғоялари остида мустақил давлатимизнинг ички ишига аралашишга уриниш ётганлиги таъкидланди.

Шундан сўнг депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Бундан ташқари, фракциялар аъзолари "Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида"ги қонунлар лойиҳаларини маъқулладилар.

* * *

Шу куни "Миллий тикланиш" демократик ҳамда "Адолат" социал-демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишларида юқорида таъкидланган қонунлар лойиҳалари билан бир қаторда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган бир қатор ҳужжатлар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги ҳамда "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар тайёрланди.

Зиёда АШУРОВА.

"Ташаббус-2006"

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг якуний босқичи бугун пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида очилади.

Танлов кўргазмадан бошланади

Маълумки, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Бу борадаги кўрсаткичлар келгусида янада ошиши кутилаётир. Чунки тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Бунинг ижобий натижасини "Ташаббус" кўрик-танлови иштирокчилари фаоллигидан ҳам билса бўлади.

Кўрик-танловнинг сўнгги босқичи ғолиблари номи аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бу гал икки кун давомида аниқланади. Дастлаб тадбир доирасида туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларидан муваффақиятли ўтиб, "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер" ва "Энг яхши ҳунарманд" номига сазовор бўлганлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилади. Кўрик-танловнинг иккинчи иш куни муҳташам "Туркистон" саройида бўлиб ўтади. Унда "Ташаббус-2006"нинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлади.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қут-барака элчиси

Наврўз фасллар келинчаги баҳорнинг ҳусн-латофатини янаям очиб юборди. Эрка сабо ўзининг майин, ҳузурбахш қанотларида майсалар ифорини, бодом, ўрик гулларининг атрини димоқларга тутди. Кўм-кўк осмон шўх, шодон болакайларнинг варракларига тўлди. Кўрғонтепа туманининг Маъмуробод қишлоғида истиқомат қилувчи опасингил Рўзихон она Иминова билан Патилахон она Эгамбердиевалар бу галги Наврўзни юзинчи марта кутиб олдилар.

— Наврўз — қут-барака, маъмурчилик элчиси, — нурли юзларида кўклам офтоби шуълаланади онахонларнинг. — Тинчлик, осойишталик даракчиси. Илоҳим, ўғил-қизларимиз, невара-чевараларимизнинг бахтига юртимиз тинч бўлсин, азиз бошларинг омон бўлсин.

Наврўз тонги кексаларнинг ана шундай дуолари билан бошланди. Андижон вилоятининг ҳар бир маҳалласида сумалаклар пиширилиб, дастурхонларни баҳорий таомлар, пиширқлар безади.

— Менга Наврўз омад олиб келди, — қувончини яширолмайди Андижон санъат коллежи ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимининг ўқувчиси Саидахон Қулматова. — Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилдим.

Байрам шукуҳи, тантаналари далаларга кўчгандай. Биргина Избоскан туманида бўлиб ўтган Наврўзолди шанбалигида 462 минг тўп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга 2 миллион 450 минг сўмлик байрам совғалари улашилди.

Хўжаободда бўлиб ўтган тантаналар эса шу ерда яшаб меҳнат қилаётган ўзбеклар билан қирғизларнинг дўстлик, қардошлик байрамига айланиб кетди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жонкуяр ҳомий

Тадбиркор Мухидиллахон Латипов ўзи яшаб келаётган Марғилон шаҳридаги «Узунҳовуз» маҳалласига бир неча йилдан буён ҳомийлик қилиб келади. Унинг саъй-ҳаракати билан маҳалладаги ташландиқ ҳолга келиб қолган жой аҳоли дам оладиган оромгоҳга айлантирилди. Бу ерда маҳалла нуронийлари, ёшлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишяпти. Оромгоҳ ёнгинасидаги қадимий Узунҳовуз атрофлари металлар билан ўраб олиниб, иҳота қилинди. Ҳовуз устига тўртта сўри ўрнатилди.

Маҳалла марказидаги чойхона биноси таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, М. Латипов ҳозирда маҳалла ҳудудида бир неча йилдан буён ишламай ётган ҳаммом биносини қайта таъмирлаб, ишга тушириш ҳаракатида юрибди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.



ХОРИЖ МЕВАЛАРИ ДАСТУРХОНИМИЗГА ЗИЙНАТМИ?

Бирор юртнинг турмуш тарзини, ҳаёт даражасини билмоқчи бўлсангиз — бозорига назар ташланг, деган тушунча бор. Шу маънода, Ўзбекистон бозорларига кирсангиз, хусусан, Тошкентнинг азим бозорларини ораласангиз, бу қадар тўкинчилик, хилма-хилликдан кўзингиз қамашади.

Бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ноз-неъматлар саноғига етиш қийин. Сизга қанақасидан керак: чиройли саватга терилган турфа мевалар тўпламиданми, дидингизга мослаб танланган ял-ял ёниб турувчи ноз-неъматларданми? Агар узоқроқ масофага жўнатмоқчи бўлсангиз, махсус қутиларга жойланган олма-анорлардан олинг. Хуллас, бугунги бозорларимизда савдо маданияти анча юқори кўтарилган. Буларнинг бари яхшилик, тўкин-сочинлик аломати.

Табиийки, бозорнинг ўзигагина хос гурунги, пайрови бўлади. Харидорнинг савдолашиб муомала қилиши, сотувга қўйилган нарсанинг қаерда етиштирилганини сириштириши шулар жумласига киради. «Сўрайверинг, ками бор, келиштириб берамиз» дея лутф қилишади. Савдо пишганда икки томон ҳам бир-бирига «Рози бўлинг» деб қўяди. Бундай ғовур-ғувурнинг ҳам ўзига яраша гашти бор.

Ана шу таомилга амал қилиб, «Олой» бозоридаги сотувчидан сўраймиз:

— Бу ноклар қайси боғда пишган?

— Эронники, қанча тортай? — тезда тарозига қўл чўзади мол эгаси.

— Ўзимизники йўқми?

— Бор. Сал майдароқ-да. Бўлмаса Хитойникини олинг, четдан келтирилган мевалар яхши сақланган.

Катталиги салкам чойнакдай келадиган олмадан бирининг таъмини тотиб кўрамиз. Мазаси унчаликмас. Демак, гап ташқи кўринишда эмас экан. Бахмал туманидаги Жум-жум қишлоғидан келтирилган олманинг мазаси эса оғзимизда қолди. Қизиқ, наҳотки, харидорлар бунинг фарқига боришмаса?! Ажабланганимизни шу ердаги суҳбатдошимизга айтгандик, изоҳ қуйидагича бўлди:

— Аввало, ҳамма ҳам сизга ўхшаб мазасини тотиб, боғини суриштириб ўтирмайди. Бу ерни бозор деб қўйибди. Ҳар ким кўнглига ёққанини олади. Чет элдан келтирилган мевалар эса ҳарир матоларга ўралгани учун кўркам кўринади.

Албатта, масаланинг турли жиҳатлари бор. Бир томони, тадбиркорларимиз дунёга чиқиб, олис юртлар билан алоқани йўлга қўйишяпти. Савдогарликнинг азалий қоидаси — бир жойда мўл-кўл бўлган маҳсулотни нисбатан камроқ таъминланган манзилга келтириб сотиш омили ишлаб турса, бундан нега ажабланишимиз керак? Шундайликка шундай-ку-я, аммо Аллоҳ назари тушган, таёқ тиқиб қўйса кўкарадиган Ўзбекистон заминига четдан мева-чева келтириб сотилиши бизни ўйлантириши керак эмасми? Юртимизнинг ҳар бир воҳаси, ҳар бир тумани ўзининг бетакрор ноз-неъмати билан машҳур-ку?! Қува анори, Каттақўрғон кишмиши, Наманган олмаси, Учқора майизи, Хоразм гурваги, Самарқанддаги Боғибаланд мавзесида битадиган лаззатли анжирлар, Олтиариқ бодринги ва узуми — бундай антиқа, шарбатга тўла мевалар Ер юзининг яна қаерида бор?

Миллий манфаат

Яна ажаблантирадиган жойи шундаки, хориждан келтириладиган меваларга қаттиқ валюта сарфланади. Демак, биз хазинамизни ўзимизда тўкилиб нобуд бўлаётган нарсаларга сарфлаяпмиз. Ҳар йили мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида, айниқса, тоғли ҳудудларда тонналаб мева-чева харидорига етиб бормай нобуд бўлмоқда. Биз пахта ва тилламиз эвазига олган валютани фойдали соҳаларга, истиқболли технологияларни жорий қилишга сарфлашимиз керак эмасми? Қачонгача арзимас чойчақани кўзлаб гавҳарни тошга урамиз?!

Масаланинг маънавий жиҳати ҳам борки, у иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғланиб кетган. Биз ўз Ватанимиз билан ғурурланадиган бўлсак, четдан келтириладиган импорт таркиби ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Масалан, Францияда тайёрланган сирти ялтироқ идишли винодан кўра Ўзбекистоннинг серқуёш тупроғида битган узумдан қилинган ичимликнинг фарқи бор-ку?! Нега биз шундай бой имкониятларга эга бўла туриб, экспорт салоҳиятимизни гуркуратиб юбормаймиз? Мана, Россия Федерацияси, Қозоғистон сингари қўшнилар маҳсулотларимизга харидор бўлиб туришибди-ку.

Ҳеч бўлмаса, Ўзбекистон заминини Японядаги табиий ресурслар билан солиштириб кўрайлик. Осиё ва Африканинг жуда кўп мамлакатларини қум барханлари қоплаган. Биздаги табиат ато этган шароит жуда кўп жойда йўқ.

Баъзан қулоғимизга бир гап чалиниб қолади: Голландия нафақат бутун Европани, балки дунёни ҳам гул билан таъминлайди, деган. Кечирасиз, Тошкентимиз гулчиларининг улардан қаери кам?! Кафтдек ерда пешма-пеш гул етиштириб бераётган миришкорларимиз бор. Экишга жой топилмаса, томнинг чордоғида қўзиқорин ўстирган тадбиркорлар ҳам Тошкентда яшашади. Бир томони — хурсанд бўламизки, «Олой» бозори ва «Чилонзор» метроси атрофидаги гул бозорларида кунига неча юз минглаб гуллар харидорини топяпти, демак, ҳаётимиз яхшиланиб боряпти. Айни пайтда ўша гулларни ҳам четга экспорт қилсак, бойлигимиз кўпаяди-ку, деган фикр кўнгилга келади.

Эҳ-ҳе, юртимиз бойлигини ошириш, қудратини мустаҳкамлаш учун ишга тушурилмаган қанчадан-қанча резервлар бизни кутиб ётибди. Жорий йилдан бошлаб боғдорчиликка ихтисослашган фермерлар — бизнинг умидимиз. Президентимизнинг «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» деган таърифларини ёдга олайлик. Инсоният тарихида из қолдирган мутафаккирлардан бири У. Неннинг шундай деган экан: «Ҳадсиз имкониятлар ҳаммага ҳам рўбарў бўлади-ю, бироқ кўплар унга дуч келганларини ҳатто билмай қоладилар». Биз билмай қолмайлик. Ўз миллатимиз ғурури ҳаққи, келажак авлодларимиз саодати ҳаққи, шу Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун қамровни кенг олиб, Ўзбекистон манфаати учун бутун вужудимиз билан курашайлик. Бу мақсадлар йўлида астойдил интилсак, биз забт этмаган марра қолмайди.

Ш. ЖАББОРОВ.

Сенатор сўз сўрайди

ХАЛҚ ВАКОЛАТИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, давлат ҳокимияти, Конституциямизга мувофиқ, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлинади. Ҳокимиятнинг барча тармоқларида туб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент тизимига ўтди ҳамда фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди. Янгиланган парламент тизими давлат бошқарувини амалга оширишда, мукаммал қонунлар қабул қилишда ўзининг ижобий томонларини кўрсата бошлади. Президентимиз Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида таъкидлагандек, "Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда, бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади".

Парламент муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида жамият ва давлат тараққиётининг йўналишлари, халқ билан давлат ҳокимиятининг ошкора мулоқотини таъминлаш, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва воситаларини танлашга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи органнинг роли ўз мустақиллигини англаб етган, ўзини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг одатий оқимини ўзгартиришга қодир, халқ номидан иш кўриш учун ўз овози ҳамда қўллаб-қувватланиши етарли деб ҳисобланишига даъвогарлик қиладиган сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши билан тобора ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимиятини амалга оширишда парламентаризм принципларини жорий этиш, парламентаризмга хос бунёдкорликка асосланган жаҳон амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш жуда муҳимдир. Бу борада мамлакатда демократик салоҳиятни жамлаш жараёни кечаётганлиги, ушбу жараённи асло суньий равишда жадаллаштириб бўлмаслиги, мамлакатимизда парламентаризм ва демократиянинг айнан шундай ривожи учун шарт-шароит яратаётган кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарурлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Айни пайтда бу йўлда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни кўра билиш, уларни ҳал қилиш усуллари ва йўлларини тўғри танлай олиш ҳам муҳимдир. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси ҳаммада катта қизиқиш уйғотди. Маърузада Сенатнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрнига, унинг самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилди. Президентимиз таъкидлаганидек, Сенат аъзоларининг аксарият қисми маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳисобланади. Улар ўзларининг иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда Сенат аъзоси сифатидаги вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса Сенат фаолиятига жойлардаги муаммолар, аҳоли кайфияти, маҳаллий Кенгашлар томонидан амалга оширилаётган ишлар руҳини сингдиришда, маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда имкон яратади. Аммо, очиқ айтиш керак, улар бундай имкониятдан тўлиқ фойдалана олаётганлари йўқ. Аслини олганда, маҳаллий Кенгаш аъзоси бўлган ҳар бир сенатор маҳаллий Кенгашдаги фаолиятида Сенатнинг ваколатли вакили, Сенатдаги фаолиятида эса маҳаллий Кенгашнинг вакили эканлигини ҳис қилиши ва шунга яраша фаолият юритиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

Сенатор сўз сўрайди

ХАЛҚ ВАКОЛАТИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, қонун чиқариш ҳокимиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан юқори ва қуйи палата ўртасидаги муносабатлар характерига боғлиқ. Конституциямизда ва қонунларда Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасидаги ўзаро муносабатлар батафсил тартибга солинган. Бинобарин, ўзаро ҳамкорлик учун ҳуқуқий майдон мавжуд. Бироқ уларни қўллаш амалиёти энди-энди шаклланмоқда. Қуйи палатанинг ҳам, юқори палатанинг ҳам баъзи аъзоларида ўз маҳкамаси нуфузини юқори қўйиш, унинг алоҳида манфаатларини қўллаб-қувватлаш кайфиятларидан тўлиқ воз кечилгани йўқ. Юртбошимиз бундай ёндашувнинг хато эканлигини, ҳар икки палата бирбирининг ишини такрорламасдан, бир-бирларининг камчилигини ўзаро бартараф этган ҳолда, ягона қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида фаолият кўрсатиши шартлигини таъкидлади. Ҳар икки палатада ўзаро кибру ҳаво, манманлик кайфияти бўлмаслиги, аксинча, принципиал позицияларда турган ҳолда ишчанлик ва ҳамкорлик муҳити яратилиши лозим.

Қонунларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Баъзан бир ишчи гуруҳининг ўзида бир норма бўйича турлича нуқтаи назарлар ва ҳатто бирбирига зид ечимлар муқобиллиги мавжуд бўлади. Бундай вазиятда энг мақбул ечимни топиш қизғин баҳс ва мунозаралар орқали рўй беради. Шу маънода, қуйи ва юқори палаталар ўртасида айнан бир муаммо бўйича алоҳида-алоҳида нуқтаи-назарлар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Бундай вазиятда ҳар бир томон ўз фикрини ҳимоя қилиши, бошқа тарафнинг далил-исботини ҳисобга олмаслиги тарафлар ўртасида муросасизлик ҳолатини вужудга келтириши мумкин. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш мақсадида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган баҳс-мунозараларни ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятига катта умид боғлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлаганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Албатта, тарих учун бу жуда оз фурсат. Бироқ шу даврнинг ўзи парламентнинг қуйи ва юқори палаталари олиб борган фаолиятини сарҳисоб қилишга, қандай натижаларга эришганлиги хусусида мулоҳаза юритиш учун асос бўла олади.

Сенат ўз фаолияти давомида эса ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга 38 та қонунни кўриб чиқди. Бешта қонун Қонунчилик палатасига қайта ишлаш учун қайтарилди. Сенат ва Қонунчилик палатаси томонидан Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Сенат томонидан Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари тасдиқланди. Конституциявий Суд, Олий суд, Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистоннинг бир қатор давлатлардаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари лавозимларига тайинланди ҳамда озод этилди. Чет давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ратификация қилинди. Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, юқори палата томонидан қонунлар ижросини назорат қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига оид вазифалар амалга оширилди.

Айтиш жоизки, сенаторлар ҳар бир қонун моҳиятини чуқур англаб етишга ҳаракат қиладилар. Аммо, шу билан бирга, Сенат фаолиятида унинг олий қонунчилик органи сифатида эндигина шаклланиб бораётганлиги, ҳали тажрибанинг етарли даражада эмаслиги сабабли бир қатор камчиликларга ҳам йўл қуйилди. Бу камчиликлар, Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпуси билан узвий алоқанинг таъминланмаганлигида, улар билан ҳозиргача самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлигида намоён бўлди. Сенатнинг Ўзбекистон Конституциясининг 80-моддасида мустаҳкамланган мутлақ ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётганлиги Сенат ўзининг назорат функциясини тўлиқ амалга оширолмаганлиги, икки палата ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлигида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, Олий Мажлис Сенати қуйи палата қабул қилган қонунларни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Шундай қилиб, қуйи палата қабул қилган қонунлар, таъбир жоиз бўлса, мазкур қонунларни ижро этиши ва уларга амал қилиши лозим бўлган шахсларнинг экспертизасидан ўтади. Бу билан мазкур қонунларда маҳаллий ва ҳудудий манфаатлар қай даражада эътиборга олинганлигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқлиги, маҳаллий шароитларда уларни амалга ошириш имконияти нуқтаи назаридан ҳам баҳо берилади. Амалиёт талабларига баъзан жавоб бермайдиган қонунлар йўлида бундай "тозаловчи восита"ни ўрнатиш қонун ижодкорлиги жараёни учун бениҳоя муҳимдир.

Ўзбекистон парламент амалиётида, назорат фаолиятининг юқорида келтирилган шакллари билан бир қаторда, парламент ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан парламент тингловлари ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳодисаларни чуқур ва пухта текширишга йўналтирилган парламент тафтишлари сингари назорат шакллари ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси устидан парламент назорати шакллари тўғрисидаги қоидаларига ҳам аниқлик киритиш зарур. Бунинг учун бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни амалга оширадиган, ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил бўлган органларни тузиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Қонун чиқариш ҳокимияти ҳукумат томонидан тайёр қонун лойиҳалари тақдим этилишини кутиб турмаслик керак. Қуйи палата ҳам, юқори палата ҳам ўз имкониятлари доирасида долзарб масалаларни доимий равишда ўрганиб бориши, синчиклаб таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, қонун лойиҳалари фақат битта йўналиш бўйича — «Ҳукумат — Қонунчилик палатаси — Сенат — Президент» схемаси асосида кетади, деган жўн тасаввурдан воз кечиш керак. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун сенаторлар ўз фаолияти йўналишларини қайтадан кўриб чиқиши, ўзларига берилган ишонч ва масъулиятни тўлиқ ҳис қилиши, ўз ваколатларидан тўғри ва оқилона фойдаланиши ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги масалаларга асосий эътиборларини қаратишлари лозим. Жумладан, ҳаммамизга маълумки, Сенат мамлакат ҳудудий манфаатини ҳимоя этадиган олий вакиллик органидир. Сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан сайланган, уларга ҳисоб бериши керак. Шу сабабдан, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлиги, уни амалга ошириш механизми тубдан қайта кўриб чиқилиши лозим. Бу ҳамкорлик аниқ белгиланган режа ва дастурлар асосида ҳудудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳолда йўлга қўйилиши мумкин. Сенаторларнинг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент фаолиятига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси кенг тадқиқ қилинди. Аммо ўзбек давлатчилигига оид, халқнинг менталитети, ижтимоий кайфияти билан боғлиқ омиллар ва парламентаризм принциплари орасидаги муносабатларга доир илмий-тадқиқотлар, айниқса, Сенат фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид илмий қарашлар деярли йўқ ҳисоби. Оммавий ахборот воситаларида давлат арбоблари, фан ва илмий салоҳият соҳиблари у ёқда турсин, ҳатто Сенат аъзоларининг ҳам чиқишлари кўринмайди. Сенат фаолиятида ўзаро танқид, сенат аъзоларининг ҳамкорлик шакли каби тушунчалар, Сенатнинг таркибий тузилмаларида ўзаро муносабатлар тўлиқ ўрганилиши ва илмий тадқиқ этилиши лозим.

Шунингдек, Сенат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаёти учун муҳим бўлган иқтисодиёт, экология, ишсизлик, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган ваколатларидан тўлиқ фойдаланмади. Тегишли вазирлик ва давлат идораларининг бу муаммолар бўйича ҳисоботларини эшитиш, муҳокама қилиш яхши йўлга қўйилмади. Сенат ваколатларини амалга ошириш механизми, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш Сенат олдидаги биринчи вазифа бўлиб турибди. Сенат фаолиятида эса мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларидаги муаммолар, қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатларини ташкил этишни йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки энг муҳим долзарб муаммолар фикрлар хилмахиллиги ва эркинлиги асосида ташкил этилган ана шу анжуманларда ўз ечимини топади.

Бундан ташқари, Сенатнинг назорат функцияси самарадорлигини ошириш керак. Сенат қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилибгина қолмасдан, айни пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қайси жабҳаларини тартибга солишга оид қонунлар ҳуқуқий заминида бўшлиқ мавжудлигини аниқлаши, ҳаракатдаги қонун нормаларининг амалиётда ижобий натижа бермаётганлигини аниқлаш ва бу масалаларни ечиш чора-тадбирларини кўриши керак. Давлат ҳокимияти органлари ва идораларининг мавжуд муаммоларга бўлган муносабатини таҳлил қилиш, муаммонинг юзага келиш омиллари ва сабабларини таҳлил этиш, мутахассислар фикрини ҳисобга олиш ҳамда улар ечими бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш лозим.

Сенат томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг амалиётдаги ижроси бевосита аҳоли кайфиятига, унинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқ. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти қанчалик юқори бўлса, қонунларнинг амалиётдаги ижроси ҳам шу даражада мукаммал бўлади. Шу сабабдан, Сенат аъзолари аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши лозим. Улар корхона, муассаса ва ташкилотларда, маҳаллаларда кенг жамоатчиликни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни, уларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини яхшилашга хизмат қилишдан иборат эканлиги, ҳукумат қарорларининг аҳоли турмуш тарзини яхшилашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини мунтазам тушунтириб боришлари керак. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда телевидение, радио ва матбуотдан унумли фойдаланиш зарур. Қолаверса, сенаторлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини амалга ошириши лозим. Сир эмаски, жамиятимизда гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, аёллар жиноятчилиги, ўғрилик ва бошқа турдаги оғир жиноятлар анча кўп содир этилмоқда. Ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабабларини чуқур таҳлил қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бу салбий иллатларни йўқотиш чора-тадбирлари тўғрисида бош қотириш керак.

Сенат фаолиятини самарали ташкил қилиш, авваламбор, сенаторларнинг ҳар бирига улкан маъсулият юклайди. Ушбу масъулият даражаси Сенатнинг давлат ҳокимият тизимидан қанчалик мустаҳкам ўрин олишида, унинг давлат ва жамият олдидаги хизматида намоён бўлади. Ўйлаймизки, бундай маъсулиятли ва шарафли ном учун барча Сенат аъзолари баҳамжиҳат фаоллик кўрсатади.

Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Яйловларда Наврўз шукуҳи



Бугун нафақат боғ-роғларни оралаган, балки яйлов кезган кишининг ҳам баҳри-дили очилади. Зеро, уфқларга туташиб кетган кўм-кўк яйловлар бағрида сакраб-сакраб ўйнаётган қўзичоқлар, танлаб-танлаб майса чимдиётган қўй-эчкиларга боқишнинг ҳам завқи ўзгача бўлади.

Сиз суратда кўриб турган Пахтачи туманидаги "Қарнабота" ширкат хўжалиги чўпони Қаландар Тошев, салкам ўттиз йилдирки, яйлов кезади. У ўз отларидаги чорвани қишловдан беталафот олиб чиқди ва қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлади: 582 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 150 тадан дуркун қўзи олди. Табиийки, чўпон эришган ютуқ хўжалик раҳбарияти томонидан эътиборсиз қолмади — моддий рағбатлантирилди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

2006 йил — Хомийлар ва шифокорлар йили

Жойларда Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилаяпти. Саховатли инсонлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак бериб, янгидан барпо этилаётган мактаб, шифохоналарнинг қад ростлашига ҳисса қўшишаяпти.

Фермерлар саховати

Баҳор байрами кунлари Пастдарғом туманидаги иқтисодий кўмакка муҳтож оилалардан бирйўла 50 га яқинига соғин сигир ҳадя этилди.

— Аҳолининг ночор қатламини ҳимоялаш учун маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар билан кифояланиб қолмаяпмиз, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Нозим Алиев. — Маҳаллалар фаоллари билан аҳоли турмуш тарзини ўрганиб чиқишимиз 204 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган муҳтож оилаларга сигир кераклигини кўрсатди. Шунинг учун харажатларнинг тенг ярмини ҳомийлар ёрдамида топиш лозимлигини англадик. Элибой Таниев, Эргаш Наврўзов, Қамариддин Муродуллаев каби фермерларимиз биринчилардан бўлиб ўз ҳисобларидан биттадан сигир ажратиш ташаббуси билан чиқишди. Бундай саховатли инсонлар сафи кун сайин кенгайиб бораяпти.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жамоат транспорти:

Бозор механизмини шакллантириш сари

Бугун ҳаётимизни транспортсиз тасаввур қилиш мушкул. Кейинги йилларда бу соҳада юз берган ижобий ўзгаришлар пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам ўз аксини топмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси Шомурод МУҲАММАДЖОНОВ билан суҳбатимиз пойтахт жамоат транспорти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида бўлди.

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуслари ва бевосита раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби транспорт тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берди, — дея гап бошлади Ш. Муҳаммаджонов. — Айни пайтда барча жамоат транспорти жамланмаларининг моддий-техник негизи тубдан янгиланди. Буни шаҳримиз кўчаларида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган 578 та «Мерседес-Бенц» автобуси мисолида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш лозимки, «Мерседес-Бенц» автобуслари йўловчи ташиш транспортидан тушаётган маблағларнинг 70 фоизини келтиради.

Ўтган даврда, шунингдек, жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш борасида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 11 январида имзолаган «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳам ушбу йўналишдаги ислоҳотларни давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга йўналтирилди.

— Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, айни пайтда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини талаб даражасига кўтариш, барча йўловчи ташувчилар ўртасида рақобат муҳитини янада шакллантириш, йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этилишини таъминлаш, шу билан бирга, транспорт ходимларининг манфаатдорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси негизида тузилган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибида транспорт турларига қараб «Тошавтобустранс» ва «Тошэлектртранс» (унга метрополитен ҳам киритилган) ҳамда соҳадаги таъмирловчи корхоналар бўйича «Тошйўловчитаъмирсервис» компаниялари ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом ва «Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди.

— Шомурод ака, шаҳар жамоат транспортининг бир куни қандай ташкил этилади?

— Тиғиз соатларда 1200 дан зиёд автобус, 100 га яқин трамвай ва троллейбус белгиланган йўналишларга чиқарилади. Бундан ташқари, кун давомида йўловчиларга 260 дан ортиқ такси, ҳар бири тўрт вагондан иборат 39 та метро поезди хизмат қилади. Умуман, мавжуд ҳаракат йўналишлари бўйича бир кунда 15738 та автотранспорт, 1115 та трамвай, 1238 та троллейбус, 942 та метро қатнови орқали 1 миллион 800 минг йўловчи ташилади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳримизда олиб борилаётган кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари самараси ўлароқ, барпо этилаётган ер ости ва ер усти йўллари, маҳобатли кўприклар йўловчи ташиш транспортида янгидан-янги йўналишлар очилишига асос бўлмоқда.

Фармон ва ижро

— Транспорт тизимидаги рақобат бозори ҳақида нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат, тизимда рақобат бозори мавжуд. Аммо у тўла шаклланмаган. Шунга қарамай, бугунги кунда хусусий йўловчи ташувчиларга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳозир шаҳримизда 168 та йўналиш бўйича 1700 дан ортиқ хусусий йўловчи ташиш транспорти фаолият юритаяпти. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ҳамда ҳажмини ошириш борасида уюшма томонидан тегишли кўрсатмалар бериб борилмоқда.

— Йўловчи транспорти тизимида ҳаракат жадвалига риоя этиш масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?

— Бу масала ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ҳозирги вақтда ҳамма йўналишларда интизомга қатъий риоя этилмоқда, деб бўлмайди.

Ҳар бир ишда инсон омили асосий эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бизнинг соҳада ҳам аҳолига транспорт хизматини юксак даражага кўтаришда ҳайдовчиларимизнинг интизомга бўйсиниши муҳимдир. Бунда фақат меҳнат интизоми назарда тутилмайди. Хусусан, автокорхоналарга ишга қабул қилиш жараёнида ҳайдовчилар шартли равишда тиббий кўрикдан ўтказилади. Янги талабларга кўра, ҳайдовчиларнинг ойлик иш ҳақи, авваламбор, ҳаракат жадвалларига риоя этиб ишлаши ҳамда пул тушуми таъминланишига бевосита боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳаётга изчил татбиқ этилиши, шубҳасиз, пойтахтимиз жамоат транспортида бозор механизмларини жорий этиш жараёнини тезлаштиришга замин яратади, бу эса ўз-ўзидан кўплаб масалаларнинг ҳал этилишига асос бўлади.

Шаҳло ҲОШИМОВА суҳбатлашди.

Уй-жой-коммунал хизмат

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТ

бўлмасин десангиз, газ ва сувнинг ҳисобини билинг

Қишнинг аёзли кунлари ортда қолди. Жиззах вилоятида газ таъминотида узилиш бўлмади ҳисоб. Ўтган 2005 йил давомида ҳеч ким газга зориқмади. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясидан 763,3 миллион кубометр табиий газ олинган бўлса, шунинг 681 миллион кубометри хонадонларга етказиб берилди. «Жиззахгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг кўзда тутилган даромади 7 миллиард 96 миллион сўм ўрнига 9 миллиард 226 миллион сўмни ташкил этди.

Бунинг бош омили Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросига масъулият билан ёндашилганидир. Шу пайтгача аҳоли хонадонларига 123372 та газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилди. Бу иш аҳолининг газ таъминоти, хизмат тўловлари бўйича эътирозларини тобора камайтирмоқда.

Эътибор билан таҳлил этилса, газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган ҳудудларда табиий газ иқтисод қилинаётгани яққол кўринади. Тўловлар ҳам шунга яраша вақтида амалга оширилаяпти. Масалан, Жиззах шаҳрининг «Қассоблик», «Тинчлик», «Сайхон», «Сангзор» каби маҳаллаларида бу иш деярли ниҳоясига етган. Шу боис 2006 йилнинг январида мазкур маҳаллаларда ойлик тўловлар тўлалигича бажарилди. Газ ўлчаш ускуналарини ўрнатиш якунланмаган «Ёшлик», «Иттифоқ» каби маҳаллаларда ойлик тушум режаси аранг 53-60 фоизга етган, холос.

— Ҳудудимизда газ ўлчаш асбоблари ўрнатилмаган 20 дан зиёд хонадон бор, — дейди «Ўзбекистон» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Сахобат Холматова. — Кимдир эътиборсизлик, яна кимдир маблағи йўқлигини баҳона қилиб бу ишни орқага суриб келмоқда. Бу билан улар ўзларига жабр қилаяпти. Чунки хонадонига ўлчов асбоби ўрнатганлар олдингидан анча кам пул тўлашяпти.

«Исломобод» ширкати раиси Г. Йўлдошев бизни қизиқтираётган иккинчи масала — кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш ва иссиқ сув учун ҳақ тўлаш масалалари ҳақида гапириб қолди. Маълум бўлишича, хонадонларга берилаётган иссиқ сув учун аҳоли жон бошига 1071 сўмдан ҳақ олинаркан. Хонадонларни иситиш учун кетаётган сарф-харажат эса ҳар бир квадрат метр учун 105 сўм этиб белгиланган. Тўлов нархларидан норози бўлган 1-уйнинг 30-хонадонида яшовчи Жамила Тўхтарова иссиқ сув учун ўлчагич ўрнаттирибди. Унинг гапига қараганда, тўлов миқдори ўртача 1000 сўмга камайган. Афсуски, шаҳар бўйича сув ўлчагич ўрнатилган хонадонлар жуда оз миқдорни ташкил этади.

— Республика Президентининг ўтган йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш йўлида тўловларни бир қадар камайтирганмиз, — дейди «Иссиқлик манбаи» ОАЖ раисининг ўринбосари П.Шукуров. — Бу ҳақда 6314 оила, 16156 фуқаро билан шартномалар ҳам тузилган. Шунга қарамасдан, аҳолининг қарздорлиги камаймаяпти.

Сабаби, кўпчилик фойдаланаётган иссиқ суви ва иссиқлик энергияси миқдори, сарф-харажатининг аниқ ҳисоб-китобини билмайди. Биров иссиқ сувдан зарур пайтдагина фойдаланса, бошқа бир хонадондаги жўмрак кечаю кундуз ёпилмайди. Умумий харажат эса барча учун бирдек тақсимланади.

Аҳоли вакиллари иштирокида иссиқ сувнинг 1 ойлик истеъмолини сув ўлчагич ускуналари ўрнатилган 10 та хонадонда ўрганиб, умумий тартибдаги тўловлар билан солиштириб кўрдик. Ҳисоблагичлар ўрнатилган 3 киши яшайдиган хонадонларда ҳар ойда 900-1000 сўм тежалаётган экан.

Шуни таъкидлаш лозимки, шаҳарда иссиқ сув ва иситиш тармоқлари ишдан чиққан уйлар кўп. Оқибатда мавжуд кўп қаватли уйларнинг 174 тасигина «Иссиқлик манбаи» хизматидан баҳраманд. Рейд давомида бу ҳолга кўпроқ шу уйларда яшовчиларнинг ўзлари сабабчи эканликлари маълум бўлди. Айрим кишилар хонадонларини таъмирлаш пайтида қаватдан қаватга ўтган, вақтинча ишлатилмаётган қувурларни, хонадонлардаги иситиш батареяларини кесиб ташлаган. Оқибатда бутун бошли уйлар, корхона ва идоралар иссиқ сув ва иссиқлик манбаидан фойдаланишдан маҳрум бўлиб қолган.

«Иссиқлик манбаи» корхонаси нафақат иссиқ сувдан, балки ишлаб чиқараётган иссиқлик энергиясидан ҳам даромад қилолмаяпти. Шаҳардаги мавжуд 13 қозонхона эса доимий фаолиятда. Шаҳар «Сувоқова» корхонаси бир кечакундузда 3,5 минг куб сувни иситиб, тармоқларга чиқараяпти. Оқибатда корхонанинг фақат «Жиззахгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасидан қарзи 400 миллион сўмдан ошиб кетди.

Шаҳардаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли сарф қилаётган ичимлик сув миқдорини ҳам, афсуски, ҳеч ким аниқ айта олмайди. Сабаби, шаҳар бўйича жами 2000 тага яқин сув ўлчагич жаҳозлари ўрнатилган, холос. Корхона раҳбари Ш. Номозовнинг таъкидлашича, мавжуд иншоотлардаги ускуна, жиҳозлар эскирганлиги, ишдан чиққанлиги боис таъминотда узилишлар бўлиб турибди. Кўп қаватли уйларнинг 3-4-қаватларидаги хонадонларга сув чиқмаслиги эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарликлар барча муаммолар ечимини ҳукуматимиз ажратаётган маблағ ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг 18,7 миллион АҚШ долларилик инвестицияси ҳал этади, деган умиддалар. 2006-2008 йилларда ўзлаштирилиши кўзда тутилган мазкур маблағлар эвазига барча қудуқлар, сув узатиш иншоотлари ва тармоқлари бутунлай қайта таъмирланади. Ҳовлиларга 127007 та, кўп қаватли уйларнинг кириш жойига 39 та сув ўлчагич ўрнатилади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга эътиборни кучайтириш юзасидан таъкидлаганидек, «... янги усулда ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари... шу йўлларда яшовчиларнинг долзарб муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда заиф бўлиб қолмоқда. Очиқ айтиш керак, бу ширкатлар бугунги кунда ҳақиқий уй-жой мулкдорлари бирлашмаларига ҳалибери айланган йўқ».

Соҳадаги ислоҳотлар ҳар бир хонадонга етиб бормас экан, янгиликлар ҳар бир фуқаро онгига сингдирилмас экан, ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса, яна ўша йиғилишда айтилганидек, «ўта мураккаб муаммоларни ечишда уй-жой мулкдорлари ширкатлари давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият, молия ва банк тузилмаларининг доимий амалий ёрдамига муҳтож, бу ишга дахлдор бўлган мутасадди раҳбар ва мутахассислар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишлари талаб қилинади».

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энергетика соҳасида ҳамкорлик



Россия Президенти Владимир Путиннинг Хитойга қилган расмий ташрифи давомида икки давлат ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди. Бироқ Сибирдан тўғридан-тўғри Хитойга нефть қувури қуриш масаласида томонлар ҳали бир қарорга келганлари йўқ. Россия саноат ва энергетика вазири Виктор Христенконинг сўзларига қараганда, айни пайтда томонлар мазкур қурилишнинг молиявий асосларини босқичма-босқич муҳокама қилаяптилар. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, нефть қувури қурилиши Хитой учун муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Хитой миллий нефтьгаз корпорацияси раҳбари Чэнь Гэннинг таъкидлашича, ҳозир Россиядан мамлакатга йилига 15 миллион тонна нефть темир йўл орқали импорт қилинмоқда. Агар қувур қурилиб, ишга тушса, Хитой йилига бу кўрсаткични 800 миллион тоннагача етказмоқчи.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Хўрлаганини тан олди

Яна бир Америка ҳарбий хизматчиси — сержант Майк Смит Ироқдаги «Абу-Грейб» қамоқхонасида маҳбусларни хўрлаганини тан олди. Майкл Смит ҳарбий трибуналга тортилди. У маҳбусларни қўрқитганликда ва итларга талаттирганликда айбланаяпти. Трибуналнинг ҳукми сал кейинроқ эълон қилинади. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, сержант тўққиз йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ ҳарбийлари томонидан маҳбусларни хўрлаш билан боғлиқ ҳолат еттинчи маротаба қайд этилаяпти. Уларнинг ҳар бирида америкалик аскарлар узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилган.

Кўмир саноатини ривожлантириш учун



Россиянинг «Кузбассразрезуголь» компанияси Буюк Британияда кўмир саноатини ривожлантириш учун 1,6 миллиард доллар маблағ ажратишга тайёр. Бирлашган Қиролликда кўмир ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компаниялар орасида энг етакчи ўринни эгаллайдиган UK Coal акцияларини сотиб олишга «Кузбассразрезуголь» раҳбарияти катта эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари, россиялик бизнесменлар Powerfuel компаниясининг акциялар пакетини 36 миллион долларга харид қилди. Эслатиб ўтамиз, «Кузбассразрезуголь» дунёда энг кўп кўмир ишлаб чиқарувчи ўнта компаниядан бири ҳисобланади.

Теплоход ҳалокати

Мисрда йўловчи ташийдиган теплоходнинг кўприкка урилиб кетиши оқибатида бир киши қурбон бўлди, 35 киши турли даражада жароҳатланди. Зарар кўрганлар орасида германиялик сайёҳлар ҳам бор. Воқеа Нил дарёсида содир бўлди. Сўнгги маълумотларда айтилишича, кема капитани Кена шаҳридаги кўприкдан ўтишда катта хатога йўл қўйган.

Хавф тобора кучаймоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан олинган сўнгги маълумотларга қараганда, Озарбойжонда беш киши парранда гриппидан вафот этган. Бундан ташқари, 15 яшар қизча ва 10 ёшли боланинг аҳволи ҳам тобора ёмонлашиб бормоқда.

Халқаро ташкилотнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2003 йилнинг охиридан бошлаб ҳозирга қадар парранда гриппи туфайли 103 нафар одам қурбон бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ипак йўли» банки:

МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ўтган давр кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлганини алоҳида таъкидлади. Бунда, табиийки, соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз молия бозорида ўн олти йилдан буён иш олиб бораётган акциядорлик-инновация-тижорат банки — «Ипак йўли» ўз фаолиятини ана шу тамойиллар асосида олиб бормоқда. Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Микрокредитлаш дастури доирасида 2001 йилдан бошлаб, хусусан, у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шунингдек, 1997 йилдан эътиборан эса Германия Ривожланиш банки (KfW) кредит линияси асосида бошқа турли лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Ушбу банк аслида универсал банк ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, бу ерда барча банк хизматлари кўрсатилаётир. Яъни нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, балки молиявий ташкилотлар, жисмоний шахс ва корпоратив мижозларга ҳам турли банк хизматлари таклиф этилмоқда. Қолаверса, «Ипак йўли» акциядорлик-инновация-тижорат банки «Moneygram», «Anelik» ва «Быстрая почта» халқаро пул ўтказиш тизимларининг мамлакатимиздаги бош агенти саналади.

У юртимиз молия бозорида биринчилар қаторида банк хизматининг янги тури — микрокредитлашни жорий қилди: Тошкент шаҳридаги савдо шохобчалари орқали истеъмол молларини аҳолига микрокредитга беришни йўлга қўйди. Шунингдек, улгуржи корхоналар билан биргаликда мижознинг керакли маҳсулотни танлаш вақтида савдо шохобчаларининг ўзидаёқ микрокредит бериш шаклини ҳаётга татбиқ этди.

Молия бозорининг бу сегментидаги банкнинг юқори натижалари ва етакчилиги катта аҳамиятга молик. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг юқори сифати, кредит ҳужжатларининг тезкорлик билан тайёрланиши тизимдаги ўзига хос муваффақиятдир. Айни кунларда ҳам банкда бу каби янги лойиҳаларни амалиётда қўллаш давом этаётир.

— Ўн бешта мини банкимизда эса пластик карточкалар орқали тўловни амалга ошириш ҳамда коммунал тўловларни қабул қилиш тизими ҳам йўлга қўйилган, — дейди банкнинг пластик карточкалар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси Равшан Умаров. — Корпоратив карточкалар эса, юридик ва якка тартибдаги тадбиркорларга пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда ёрдам беради. Шу билан бирга, банкимиз иш ҳақи лойиҳаси бўйича пластик карточкалар чиқаришда анча тажрибага эга. Эндиликда жамоамиз кредит карточкаларини ҳам муомалага чиқариш арафасида турибди.

Одатда ривожланган молия бозорининг жорий этилмаган қонунларида олижаноблик, ишончлилик, бирбирини қўллаб-қувватлаш, масъулият ҳисси ва ўзига юқори талабчанлик каби жиҳатлар қадрланади. «Ипак йўли» акциядорлик-инновация-тижорат банки ҳам бундай қадриятларга жиддий эътибор қаратмоқда. Банк ҳаққоний бизнес юритишнинг қонун-қоидалари ва ахлоқий меъёрларига риоя қилиб, доимо ўз мажбуриятларини сўзсиз бажариб келаётгани боис мамлакатимизнинг иқтисодий тизимида ўзига хос ўринни эгаллаб турибди.

Жавоҳир ҚУДРАТОВ.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00дан 17.00гача (тушлик 13.00дан 14.00гача) Давлат алоқа инспекциясининг

137-01-11 рақамли

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

хизматига қўнғироқ қилинг.

Манзилимиз: Тошкент ш., А. Толстой к., 1-уй, 1-қават. E-mail:: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00дан 16.00гача (тушлик 13.00дан 14.00гача) қуйидаги "Ишонч телефони" хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

1.	Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2.	Андижон вилояти	24-01-11
3.	Бухоро вилояти	223-01-11
4.	Жиззах вилояти	226-01-11
5.	Қашқадарё вилояти	221-01-11
6.	Навоий вилояти	224-01-11
7.	Наманган вилояти	6-01-11
8.	Самарқанд вилояти	22-01-11
9.	Сирдарё вилояти	40-01-11
10.	Сурхондарё вилояти	7-01-11
11.	Хоразм вилояти	226-01-11
12.	Тошкент вилояти	135-01-11
13.	Фарғона вилояти	23-01-11
14.	Тошкент шаҳри	136-01-11

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

HYUNDAI Official Partner

«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY

SANTA FE — дизель 2000 см³ в рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии. Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля. Для юридических лиц.

г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
e-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com

ПРЕДСТАВЛЯЕТ: Sonata NF, Elantra, XG, Tucson, Santa Fe, Terracan, Coupe, Matrix, H-1 (Starex)

«ЕМЕК» ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ КОРХОНАСИ

Ассалом, баҳор! Ассалом, Наврўз! Ассалом, халқим!

Наврўзи олам

барчамизга тинчлик-тотувлик, файзу барака ва шодиёналарни олиб келган бўлсин.

Жонажон юртимизда истиқомат қилаётган ёру биродарларимизни бир-бирига бўлган меҳр-оқибат, тотувлик тарк этмасин.

Ҳар тунинг қадр ўлубон, Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.

Кўнгил кўнгилдан сув ичди

Файзихон ая Исоқова пири бадавлат онахонлардан. Вилоят марказининг «Дамбоғ» маҳалласида яшовчи бу онахоннинг ҳовлиси шу кунларда қуни-қўшни, қариндош-уруғлар билан янада гавжумлашди. Улар асрларни ортда қолдирган аянинг юз йиллигини ардоқли байрам — Наврўз қувончлари билан қўшиб нишонлашди.

Ўғил-қиз, келин-куёвлар, фуқаролар йиғини вакиллари онахонни табаррук ёши билан қутлаб, сарпо кийдиришди. Маҳалла болалари, аянинг 100 дан ортиқ невара-чевара, эваралари эса ҳовли ўртасига ўрнатилган дошқозондаги сумалак қайнагунча асрий умр ҳикояларини тингладилар. Қутлуғ хонадонда бошланган маросим «Дамбоғ» гузарида уюштирилган маросимда янаям қизиди.

Наманганда бу йилги байрам тантаналарининг дебочаси, эзгу ишлар бешиги маҳаллаларда фотиҳа олгани бежиз эмас. Қутлуғ айёмга тайёргарлик бўйича белгиланган тадбирларда қадимий ва навқирон Наврўз шукуҳи вилоятнинг энг олис ҳудудларида ҳам муносиб нишонланишига эътибор қаратилди. Жойларда аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари яна бир бор ҳомийлар ва меҳр-мурувватли кишилар саховатидан баҳраманд бўлишди. Эътиборли жиҳати, вилоятдаги 250 га яқин юз ва ундан юқори ёшдаги нуроний отахон-онахонлар ҳолидан хабар олиниб, барчаларига байрам туҳфалари топширилди. Умуман, байрам арафасида эҳтиёжманд оилаларга 100 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди, юздан ортиқ ногиронлар махсус аравача, бошқа турдаги таянч воситалари билан таъминланди.

Байрам дастурига киритилган асосий тадбирлардан бири Наманган шаҳридаги «Ёшлар спорт мажмуаси»да ташкил этилди. Унда намойиш қилинган театрлаштирилган томошалар ўзига хос мазмун-мундарижаси билан каттаю кичикка бирдай маъқул тушди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча қитъамизнинг кўплаб шаҳарларида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

«Машъал» – «Ал-Айн» 1:1

Мусобақанинг "В" гуруҳида иштирок этаётган Муборакнинг "Машъал" жамоаси биринчи турда сафарда Ироқнинг "Ал-Минаа" клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этганлигидан хабаринг из бор. Мубораклик футболчилар гуруҳ баҳсларининг иккинчи турида ўтган йилги Осиё чемпионлар лигаси финалчиси — Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Айн" клуби билан учрашди. Нуфузли мусобақада илк бор иштирок этаётган воҳа футболчилари номдор рақибларига нисбатан тенгма-тенг кураш олиб бордилар. Фақат уларда бироз тажриба етишмади. Учрашувнинг биринчи бўлимида кўплаб хатоларга йўл қўйилди. Натижада ҳисобни меҳмонлар очишди. Иккинчи бўлимда анча ўзига келиб олган ҳамюртларимиз рақиб дарвозасига кетма-кет ҳужум уюштирдилар. Шу куни "Машъал"ни қўллаб-қувватлаш учун майдонга минглаб мухлислар ташриф буюрганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар сўнгги дақиқаларгача севимли жамоларини олқишлаб турдилар. Ўйин охирида ҳакам қўшиб берган дақиқалар тугаши арафасида ҳужумчи Шуҳрат Мирхолдиршоев киритган гол ишқибозлар тафтига сув сепгандай бўлди. Ҳисоб 1:1.

"А" гуруҳида қатнашаётган мамлакатимиз чемпиони — "Пахтакор" биринчи учрашувда ўз майдонида Сурия нинг "Ал-Иттиҳод" жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Бош жамоамиз иккинчи турда Кувайтнинг "Ал-Қоддисия" жамоаси билан учрашди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ШАРҚШУНОСЛАР ТЎЁНАСИ

ЎзР Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида шарқшунос олимлар жамоаси томонидан тайёрланган «Хоразм Маъмун академияси» китоби босмадан чиқди. Муаллифлар XI аср бошида фаолият кўрсатган мазкур академия олимларининг илмий фаолиятлари ва фан соҳасида эришган ютуқларини асл манбалар асосида кенг ёритишга эришганлар.

Тўплам тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчи боби «IX-XI асрларда Хоразмдаги тарихий шароит ва Хоразм Маъмун академиясининг ташкил топиши» деб номланган. Бу бобда муаллифлар Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий тарихини шу кунгача жаҳон олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳамда манбаларга таянган ҳолда қисқа ва лўнда баён этишган.

Мазкур тадқиқотнинг иккинчи боби Хоразм Маъмун академиясида аниқ ва табиий фанлар ривожига бағишланган. Унда математика, астрономия, кимё, табобат, география каби фанларнинг Маъмун академиясидаги тараққиёт йўллари, уларнинг намояндалари ҳақида фикр юритилган.

Академияда ижтимоий-гуманитар, жумладан, фалсафа, тарих, адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари ҳам юксак ривожланган. Тўпламнинг учинчи бобидан шу фанлар ҳақидаги илмий-тадқиқотлар ўрин олган.

Тўпламнинг тўртинчи боби Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг бугунги кундаги фаолиятига бағишланган. Унда академиянинг Президентимиз Фармони билан қайта тиклангани, у ҳозирда воҳадаги илм-фан ривожига улкан улуш қўшаётгани далиллар билан ҳикоя қилинган.

«Хоразм Маъмун академияси» китобини ўқир экансиз, X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида ҳукмдорлик қилган Али бин Маъмун бин Муҳаммад ва Абул Аббос Маъмун Хоразмшоҳлар илм-фан, маданият ва санъат аҳлига катта эътибор билан қараганининг гувоҳи бўласиз.

Тўплам бўйича айрим мулоҳазали ўринлар ҳам бор. Масалан, тўпламдаги баъзи мақолаларда муаллифлар ўзларидан олдин мазкур мавзуда қайси олимлар қандай ишлар қилганлигини қайд қилиб ўтганларида китоб яна ҳам мукаммаллик касб этган бўлур эди. Шунингдек, китобнинг «Мустақил Ўзбекистонда Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши ва унинг бугунги кундаги фаолияти» бобида Хоразм Маъмун академиясидаги фақатгина биология фани йўналишида қилинган тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Академиянинг «Археология, тарих ва фалсафа», «Тил ва адабиёт» бўлимларида амалга оширилган ишлар ҳам китобдан ўрин олганда нур устига аъло нур бўларди.

Шунга қарамасдан, «Хоразм Маъмун академияси» китоби катта заҳматлар эвазига яратилган тўплам бўлиб, X-XI асрлардаги Хоразмнинг ижтимоий, маданий ва илмий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Тўйга тўёна билан бориш — ўзбек халқининг азалий удуми. Шунинг учун бу китоб шарқшунослик институтининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига муносиб тўёнасидир.

Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Ғулом КАРИМ,
илмий ходим.

Табиат ва биз

Қатрасида ҳаёт жилваси

Сув ҳамма даврларда ва барча мамлакатларда табиатнинг буюк неъмати сифатида эъзозланиб келинган. Бугунги кунда сув, айниқса, ичимлик суви муаммоси жаҳоннинг энг глобал муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Шу боис ҳам жаҳоннинг кўплаб халқаро ташкилотлари жойларда турли тадбирлар, анжуманлар уюштирмоқда. Буларнинг барчаси бир масалага – сувни эъзозлашга қаратилган.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 22 март – Бутунжаҳон сув куни деб белгиланиб, 2005-2015 йиллар "Сув ҳаёт учун" ҳаракатлари ўн йиллиги деб эълон қилинган. "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Сув ва маданият" мавзусида учрашув ўтказилди. Тадбирда талабалар, ўқитувчилар, соҳа мутахассислари иштирок этди. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва асрашда тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим омиллардан биридир. Тоза ичимлик суви масаласига БМТ асосий эътиборини қаратаётган биринчи ўн йилликда бир миллиарддан ортиқ аҳолининг сув таъминоти, шунингдек, 770 миллион кишига санитария хизматлари яхшиланишига эришилган. Шундай бўлса-да, сув муаммоларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Афсуски, ҳозирга қадар ер юзида 1,1 миллиард нафар киши тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётган бўлса, 2,6 миллиард киши етарли даражада санитария шароитларига эга эмас. Минг таассуфлар бўлсинки, сув муаммоси бизнинг минтақамизда ҳам мавжуд. Айниқса, Орол денгизи муаммоси туғилгач, аҳвол янада жиддийлашди. Хўш, ичимлик суви исрофгарчилигини камайтириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Тўғри, мамлакатимизнинг барча ҳудудларда ичимлик сувига махсус ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бу билан сезиларли силжишларга эришилмоқда. Бироқ халқимиз орасида сувга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, тоза ичимлик сувини техник мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш фурсати келди. Токи, "оби-ҳаёт " деб эъзозланмиш сувнинг бир қатраси ҳам исроф бўлмасин.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ 9-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қадимий ва навқирон айём – Наврўзи олам билан мубораклаб этади!

Ҳамиша тан-сиҳатлик, эл-юрт ривожи йўлидаги бунёдкорона одимларингизда омад ва муваффақият ёр бўлсин. Озод диёримиз янада обод бўлиб, гуллаб-яшнайверсин!

2551001/2722

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади. Лизингга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

2161R/295

ЎҚУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Наврўз байрами арафасида Хўжайли туманидаги 15-ўрта мактаб ўқувчилари 18-болалар боғчасига келиб, бу ерда тарбияланаётган кичкинтойларга ўз қўллари билан ясаган юздан ортиқ ўйинчоқни совға қилди. Мактабдаги "Чеварлар", "Моҳир қўллар", "Уста" тўгаракларида қатнашаётган ўқувчиларнинг туҳфаси болажонларга ғоятда манзур бўлди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ВАКОЛАТЛИ АГЕНТИ — «ДАВИНКОМ» ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ФИРМАСИ

2006 ЙИЛ 29 МАРТДА "BUXORO ELEKTR TARMOQLARI" очиқ акциядорлик жамиятининг Низом жамғармасидаги 39,94 фоиз (361543 дона) давлат активидаги акциялар пакетини 4 468,35 млн. сўм миқдори эквивалентида акцияларни савдога чиқариш кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича АҚШ долларида «Тошкент» республика Фонд биржасининг акцияларни эркин муомаладаги валюталарга сотиш майдонига чиқаришини маълум қилади.

«БУХОРО ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» очиқ акциядорлик жамиятининг манзили: Бухоро шаҳри, «Саноат» кўчаси, 1/1-уй.

«Бухоро электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси 9051,27 млн. сўм, бир дона акциянинг номинал қиймати 10000 сўм. «Бухоро электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Бухоро вилояти ҳудудида электр энергиясини тақсимловчи ва сотувчи корхона бўлиб, туман электр тармоқлари орқали вилоятдаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.

Жамиятда 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1426 нафар ишчи-ходим меҳнат қилган, асосий воситаларининг умумий қиймати 15874217,0 минг сўмни, рентабеллиги 9 фоизни, соф фойдаси эса 4313691 минг сўмни ташкил этди.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 136-06-31, шунингдек, фирманинг www.davincom.uz сайти ҳамда davincom@davincom.uz электрон почтаси.

Маҳсулот сертификатланган.

Hansa

«Hansa» компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютери улгуржи харидорларни ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилишга чорлайди.

«Hansa» немис савдо белгиси кенг АССОРТИМЕНТдаги маиший техника таклиф этади.

Hansa — бу юқори ишончлилик, замонавий дизайн, кенг ассортимент ва турли юмушларни бажарадиган техникалар.

Телефон: 132-44-40; Моб. тел.: 176-25-23, Факс: 132-44-46.

E-mail: tehno@union-space.com

Мулоқот учун шахс: Баҳодир Жўраев

2506R/303

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

АККУМУЛЯТОРЛАР

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

2506R/303

Тошкент молия институти жамоаси «Математика» кафедраси доценти А. Адизовга онаси
Чамангул АДИЗОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази жамоаси методист Ҳимоят Турғуновага онаси
ИХТИБОР аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва география факультети жамоаси илмий ишлар ва магистратура бўйича декан муовини, доцент Асомберди Эгамбердиевга онаси
УМРИХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎзРФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси катта илмий ходим Аҳида Абдуллаевага онаси
Муҳаррам АБДУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(t) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Тошириллди — 21.10 123456